

**ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.02/30.12.2019.FM/Т.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ

КАХРАМОНОВА ГУЛИСТОН ПАРДАЕВНА

**GaAs, Ta, Tb, Tm ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ КЛАСТЕР ВА КҮП ЗАРЯДЛИ
ИОНЛАР БИЛАН БОМБАРДИМОН ҚИЛИНГАНДА ИККИЛАМЧИ
ЭМИССИЯ ЖАРАЁНЛАРИ**

01.04.04 - Физик электроника

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

УДК 539.104: 537.581: 535.376

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on physical-mathematical sciences**

Кахрамонова Гулистан Пардаевна

ГаAs, Та, Tb, Тm элементларини кластер ва кўп зарядли ионлар билан
бомбардимон қилинганда иккиламчи эмиссия
жараёнлари..... 3

Кахрамонова Гулистан Пардаевна

Вторично-эмиссионные процессы при бомбардировке элементов
ГаAs, Та, Tb, Тm кластерными и многозарядными
ионами..... 21

Kakhramonova Guliston Pardayevna

Secondary emission processes during bombardment of elements GaAs, Ta,
Tb, Tm with cluster and multiply charged ions 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 44

**ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.02/30.12.2019.FM/Т.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ

КАХРАМОНОВА ГУЛИСТОН ПАРДАЕВНА

**GaAs, Ta, Tb, Tm ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ КЛАСТЕР ВА КҮП ЗАРЯДЛИ
ИОНЛАР БИЛАН БОМБАРДИМОН ҚИЛИНГАНДА ИККИЛАМЧИ
ЭМИССИЯ ЖАРАЁНЛАРИ**

01.04.04 - Физик электроника

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инноватциялар вазирлиги хузуридаги Олий
аттестация комиссиясида B2025.1.PhD/FM1242 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ион-плазма ва лазер
технологиялари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси
(www.iplt.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталаида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Усманов Дилшадбек Турсунбаевич
физика-математика фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Кутлиев Учкун Отобоевич
физика-математика фанлари доктори, профессор.

Сайдумаров Илхомжон Миралимович
физика-математика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент Давлат Техника Университети

Диссертация ҳимояси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти хузуридаги илмий
даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.FM/T.65.01 рақами илмий кенгашнинг 2025 йил «16» декабр
соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33-үй.
Тел./факс: (+998-71) 262-32-64, email: info@iplt.uz, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти
мажлислар зали).

Диссертация билан Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг Ахборот-ресурс
марказида танишиш мумкин (№19 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри,
Дўрмон йўли кўчаси, 33-үй. Тел: (+998-71) 262-31-69.

Диссертация автореферати 2025 йил «02» декабр куни тарқатилди.
(2025 йил «02» декабрдаги № 19 рақами реестр баённомаси)



Х.Б. Ашуров

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, техника фанлари
доктори, профессор.

И.Д. Ядгаров

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, физика-
математика фанлари доктори,
профессор.

У.К. Махманов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
физика-математика фанлари доктори,
профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда наноматериаллар ва нанотехнологияларни ҳар соҳага кенг кўламда жорий этиш хозирги вақтда ривожланиб бормоқда. Замонавий техник тараққиёт учун нанотехнологияларни жорий этишнинг улкан истиқболларидан бири қаттиқ жисмлар сиртини, таҳлил қилишнинг самарали янги ва такомиллаштирилган наноструктуравий усулларини ишлаб чиқиши ва уларни ишлаб чиқишига тадбиқ қилиш катта илмий, амалий аҳамиятга эгадир. Нано-микроэлектроника соҳани ўрганишда масс-спектрометрик ионлашиш усуллари, хусусан, иккиламчи ион масс-спектрометрияси (ИИМС) усули жуда муҳим ўринлардан бири саналади. Кластер ва кўп зарядли ионларни иккиламчи ионлар эмиссиясида қўлланилиши, ушбу соҳанинг янада ривожланишига катта ҳисса қўшади.

Жаҳонда хозирги вақтда кластер ва кўп зарядли ионлар билан қаттиқ жисмларни бомбардимон қилиш, чизиқли тўқнашув каскадларининг нисбатан яхши ўрганилган ҳудудидан чизиқли бўлмаган зич каскадларнинг шаклланиши билан боғлиқ янги эмиссия ҳодисаларини ўрганишга ўтишни кузатиш учун ноёб имкониятни беради. Кластер бомбардимонининг ўзига хос хусусияти шундаки, кластер ионини ташкил этувчи бир нечта атомларнинг бир вақтнинг ўзида кичик (бир неча ангстремлар тартибида) сирт майдонига таъсири натижасида ҳар бир атом томонидан ҳосил қилинган каскадлар интерференциялашади ва чизиқли бўлмаган зич каскадли тўқнашувлар ҳосил бўлади. Бундай ҳолда, ионнинг секинлашиши вақтида юқори энергияни чиқариш зичлиги билан боғлиқ бўлган иккиламчи эмиссия жараёнларида бир қатор янги эфектлар пайдо бўлади. Масалан, кластер ионлари билан бомбардимон қилишга ўтишда йирик молекулалар самарадорлигининг юзлаб ва минглаб марта ортиши, органик ва биоорганик материалларни ИИМС усулидан фойдаланиб таҳлил қилишда нафақат миқдорий, балки сифат жиҳатидан ҳам катта ютуқларга эришишга олиб келади. Шунингдек, кластер ва кўп зарядли ионларининг қаттиқ жисмнинг юзаси билан ўзаро таъсирида кечадиган фундаментал жараёнларни ўрганиш, бу ҳодисанинг физика моҳиятини аниқ тушуниш, шунингдек замонавий технологияларда ундан мақсадли ва тўлиқ фойдаланиш физик электрониканинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Республикамизда кўп атомли зарраларнинг қаттиқ жисм юзаси билан ўзаро таъсири жараённида содир бўладиган ноаддитив (қўшилмайдиган) жараёнларни ўрганиш долзарблиги ионли чангланишнинг физик механизмлари ҳақида янги маълумотларга эга бўлиш имконияти ҳамда ушбу ҳодисаларнинг замонавий технологияларда амалий қўллаш эҳтимоли билан белгиланади. Бундай бомбардимон шароитларида битта тезлаштирилган кластер ёки кўп зарядли ионни ташкил этувчи атомлар $\sim 10^{-15}$ сония ичида юзанинг битта элементар ячейка майдонига тушади. Бу эса бир атомли ионлар билан бомбардимон қилишда ҳосил бўлиши мумкин бўлмаган ҳолатда, сиртда энергиянинг аномал юқори локал зичлигининг ажралиб чиқишига олиб келади.

Бундай шароитлардаги иккиламчи эмиссия жараёнларини ўрганиш, ушбу жараёнларнинг механизмлари ҳақида янги маълумотларни олиш имконини беради. Иккиламчи эмиссия жараёнларида ноаддитив ва ночизиқли жараёнлар ҳозирги вақтгача етарли даражада ўрганилмаган соҳалардан бири ҳисобланади.

Ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги “Янги Ўзбекистонни 2022-2026-йилларда ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли қарори, 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги “2030-йилгача фанни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2020-йил 29-октябрдаги ПФ-6097-сон, шунингдек, 2019-йил 22-августдаги “Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича жадал чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4422-сон қарори ва Республикаизда сўнгти йилларда бу соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларни бажаришга етарли даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган: III. “Энергетика, энергия ва ресурсларни тежаш, транспорт, машина ва асбобсозлик; замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника, электрон асбобларни ривожлантириш” ва ва ПФИ-2 “Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик” соҳаларининг ривожланишига хизмат қиласди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтгача ИИМС усули билан жуда кўп элементлар, уларнинг аралашмалари, органик ва биоорганик моддалар тадқиқ қилинган. ИИМС усули бу, намуналарнинг бир қанча физиковий ва кимёвий хоссаларини ўрганиш учун жуда муҳим усулларидан биридир. Ўрганилаётган намуналарнинг атомар, молекуляр, кластер ва кўп зарядли ионлар билан бомбардимон қилинганда сирт ва сиртнинг юза остки қатламларида ўзаро таъсир натижасида вужудга келаётган жараёнларнинг ўрганиш имкониятини беради. А. Вухер (Германия), А. Делькорте (Бельгия), Ж. Матсую (Япония), А. Толсогузов (Россия) ва дунёнинг кўплаб бошқа етакчи илмий марказларида ИИМС усулида кластер, кўп зарядли ионлар билан намуналарнинг тадқиқи билан шуғулланиб келишяпти. Лекин уларнинг аксарият қисми намуналарни чангланиш жараёнида ҳосил бўладиган иккиламчи зарраларнинг тадқиқини, юқори энергияли бирламчи ионлар ёрдамида тадқиқотлар олиб боришган.

Республикаизда бу соҳада Ў.Х. Расулов, С.Ф. Белых, С.Н. Морозов, С.В. Верхотуров, Н.Х. Джемелевлар, С.Е. Максимов ва Д.Т. Усмановлар кўплаб илмий тадқиқотлар олиб боришган. Ҳозирги кунда иккиламчи эмиссия жараёнларида юз берадиган иккиламчи ионларни ночизиқли ва ноаддитив чиқишиларини кичик энергияли кластер ва кўп зарядли ионлар билан тадқиқ

қилиш, иккиламчи ионлар эмиссиясини фундаментал характеристикаларини ўрганишда нихоятда мухим ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг қўйидаги базавий молиялаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ амалга оширилган: “Вакуум ва атмосфера шароитида кўпатомли зарраларнинг қаттиқ жисм сирти билан ўзаро таъсири, фаол органик моддаларнинг янги ионлашув услубларини ривожлантириш” (2021–2023); “Суистеъмол қилинувчи моддаларнинг қаттиқ жисм сиртидан термоион эмиссияси ҳамда иккиламчи эмиссия жараёнларни тадқиқ қилиш” (2024-2025).

Тадқиқотнинг мақсади иккиламчи ионлар масс-спектрометрияси усули билан қаттиқ жисмлар сиртини кичик энергияли, кўп атомли кластер ва кўп зарядли ионлар билан бомбардимони вақтидаги иккиламчи эмиссия жараёнларида ноизиқли ва ноаддитив эфектларни тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қўйидагилардан иборат:

GaAs нишонини 1-10 кэВ энергияли Bi_m^+ ($m=1-5$) кластер ионлари билан бомбардимони вақтида галлий ионларининг ноизиқли ва ноаддитив чиқишини тадқиқ қилиш ва иккиламчи ионларни ионлашиш эҳтимоллигини баҳолаш;

сирт ионлашишга асосланган ионлар манбасини такомиллаштириш, ҳамда GaAs нишонини кластер ионлар билан бомбардимони вақтида ҳосил бўлаётган нейтрал галлий атомларини пост ионлашиш усулида тадқиқ қилиш;

GaAs нишонини 1-10 кэВ энергияли Bi^{q+} ($q=1-6$) кўп зарядли ионлар билан бомбардимон вақтида иккиламчи ионлар чиқишишидаги ноизиқли ва ноаддитив жараёнларни тадқиқ қилиш;

Та нишонини 2-12 кэВ энергияли Bi_m^+ ($m=1-4$) кластер ва кўп зарядли ионлар билан бомбардимон вақтидаги ион-фотон эмиссиясида ноизиқли ва ноаддитив жараёнларни тадқиқ қилиш;

Tb ва Tm нишонларида 1-21 кэВ энергияли Au_m^- ($m=1-9$) ва Bi_m^- ($m=1-7$) манфий кластер ионлар билан бомбардимон вақтидаги иккиламчи ионлар, ион-фотон ва иккиламчи электрон эмиссияларини тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида галлий арсенид (GaAs), Та (тантал), Tb (тербий), Tm (тулий) элементлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети иккиламчи ионлар, ион-фотон ва ион-электрон эмиссия жараёнларидағи ноизиқли ва ноаддитив эфектлардир.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида иккиламчи ионлар масс-спектрометрияси, сиртий ионлашув, ион-электрон эмиссияси ва ион-фотон эмиссияси эгри чизиклари усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидаги натижалардан иборат:

биринчи бор сиртий ионлашишга асосланган пост ионлашиш усули билан иридий эмиттери юзасида GaAs нишонини 1-10 кэВ энергия диапазонида Bi_m^+

($m=1-5$) кластер ионлари билан бомбардимон қилиш натижасида ҳосил бўлган нейтрал галлий атомлари мусбат ионларга айлантирилди ва нейтрал галлий атомлари учун бомбардимон кластер ионида ҳар бир атомга энергия ортиши билан ноаддитивлик коэффициентларининг камайиш тенденцияси аниқланди;

GaAs нишони 2-10 кэВ энергия диапазонидаги кўп зарядли Bi^{q+} ионлари билан бомбардимон қилинганда, матрица ионлари (Ga^+ , Ga^{2+} , As^+), шунингдек, адсорбсияланган ионлар ва аралашмалар ионлари (C^+ , H_2O^+ , Na^+ , Al^+ , K^+ , Ni^+ , Cu^+ , Cs^+ , Bi^{n+}) чиқишининг кўп марта ортиши, бирламчи бомбардимон қилаётган ионлар зарядини ортиши билан боғлиқлиги ва бу боғлиқлик кўпроқ ионлашиш потенциали юқори бўлган ионлар учун характерли эканлиги аниқланди. Бу эса уриб чиқарилган ионлар тўғридан-тўғри тўқнашув натижасида чангланган атомлар орасидаги заряд алмашинуви билан тушунтирилади;

Та нишон сиртида Bi_m^{q+} ($m=1-4$), ($q=1-6$) кластер ва кўп зарядли ионлар билан бомбардимон қилинганда ион-фотон эмиссия (ИФЭ) чиқиши бирламчи висмут кластер ионларида атомлар сонининг ортиши билан сиртда энергиянинг локал зичлашиши, қўзғалган атомлар улушининг кўпайиши ҳамда ионлардаги юқори потенциал энергия, сирт билан электрон алмашинуви натижасида ИФЭ чиқишининг ноаддитив ортиши аниқланди;

Бирламчи кластер ва кўп зарядли ионлардаги атомлар сони ва энергиясини ортиши билан тантал ИФЭси интеграл чиқишининг ноаддитив ўсиши, зич тўқнашув каскадлари соҳасидан атомларнинг қўшимча чиқиши ва қўзғалиши билан боғлиқ бўлиб, бу эса юза термал чўққиларининг ҳосил бўлишига олиб келиши, шунингдек ИФЭ чиқиши кўп зарядланган ионларнинг зарядига $q < 4$ бўлганда заиф боғлиқ экани ва заряд 3 дан 6 гача ортганидагина ортиши аниқланди;

Tm ва Tb нишонларининг Bi ва Au кластер ионлари билан бирламчи ионлардаги атомлар сонини ортиш жараёнида сиртда- энергия зичлашиши, электрон қўзғалиши ва локал қизиш жараёнларини бир вақтда кучайиши натижасида ИФЭсининг ноаддитив ортиши аниқланди;

ИФЭ тадқиқотлари Tm нишонининг сиртини Bi кластер ионлари билан бомбардимон қилинишида интеграл ИФЭси коэффициентларининг бомбардимон қилувчи ионларидағи атомлар сони ортиши билан ноаддитив ўсиши кузатилди, бу ноаддитив ўсиш сиртдаги термал чўққилари соҳаларидан тарқалган атомларнинг қўшимча уйғотилиши билан боғлиқлиги аниқланди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

Сезгир ва селектив сирт ионлашиш усулига асосланган нейтрал атомларни тадқиқи учун замонавий пост ионлашиш усулларига нисбатан 100 марта аниқлиқдаги тизим такомиллаштирилиб, натижалар ҳозирги лазер пост ионлашиш усулларига нисбатан сезгирроқ ва арzonроқ бўлишига эришилди;

ИИМС усули тадқиқ қилинаётган GaAs, Ta, Tb, Tm элементлари учун такомиллаштирилиб, қаттиқ жисмларининг сирт диагностикаси учун қўллаш имконияти ўрганилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги иккиламчи ионлар масс-спектрометрияси, ион-фотон эмиссия, ион-электрон эмиссия усулларини қўллаш, тажрибалар шароити ва статистикасини батафсил ва тўлиқ таҳлил қилиш, юқори аниқликдаги замонавий ўлчаш асбобларини қўллаш билан асосланган;

олинган экспериментал натижалар синчковлик билан амалга оширилган ҳисоб-китобларга асосланади ва мумкин бўлган хатоликлар даражасини ҳисобга олган ҳолда статистик усулларни қўллаб қайта ишланган; олинган экспериментал натижалар ва келтирилган хуносалар юқори вакуумли муҳитда иккиламчи ионлар эмиссиясининг ионланиш механизмларини ўрганишга бағишиланган замонавий тадқиқотлар маълумотларига мос келади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг *илмий аҳамияти* ҳозирда долзарб бўлган яримўтказгич GaAs ва Ta, Tm Tb элементларининг кластер ва кўп зарядли ионлар билан бомбардимон вақтидаги иккиламчи эмиссия жараёнларида содир бўладиган ночизиқли ва ноаддитив эфектларни комплекс тадқиқи иккиламчи ион эмиссия механизми қонуниятларини аниқлашга катта ҳисса қўшади.

Тадқиқот натижаларининг *амалий аҳамияти* шундан иборатки ушбу тадқиқотлар юқори селектив ва сезгир сирт-ионлаш усуллари ҳамда ускуналарини ишлаб чиқиш ва қўллаш билан боғлиқ бўлиб, бу материалшунослик, юза диагностикаси, нанотехнология эҳтиёжлари учун иккиламчи ионлар масс-спектрометрияси усулини такомиллаштириш масалаларини қамраб олади. Хусусан,nanoструктуравий технологияларда қўллаш учун, хусусан, яримўтказгичларда ўта нозик аралашмалар таркибини ўлчаш учун кластерли микро-зонд яратиш долзарб масала ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Яримўтказгич GaAs ва Ta, Tm Tb элементларининг кластер ва кўп зарядли ионлар билан бомбардимон вақтидаги иккиламчи эмиссия жараёнларида содир бўладиган ночизиқли ва ноаддитив эфектларни комплекс тадқиқи натижалари асосида:

-ярим ўтказгич галлий арсенид нишонини кичик энергияли (1-10 кэВ) висмут кластер ва кўп зарядли ионлар билан бомбардимон вақтидаги олинган илмий натижалар № IL-4821091667-сонли «Оксид яримўтказгич бетартиб материалларда диэлектрик-металл ўтишлари ва электр ўтказувчанлиги механизмлари» номли илмий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий Университетининг 25.09.2025 йилдаги №01/11-20230-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши материалнинг электрон ва структуравий хусусиятларини ўзгартириш, шунингдек ион бомбардимони орқали ҳосил бўладиган юза дефектлари ва эмиссия жараёнларини оксид аморф яримўтказгичларда диэлектрик-металл ўтиш механизмларини чуқурроқ англаш ва физика-кимёвий фундаментал қонуниятларни тушунтириш имконини берган.

-Та нишоннинг юзасини кластер ва кўп зарядланган Bi_m^{q+} ($m=1-4$), ($q=1-6$) ионлари билан бомбардимон қилиниш шароитида ион-фотон эмиссия

жараёнларини тадқиқ қилишда олинган илмий натижалар № MRB-2021-521-сонли «Алюминий ва тантал оксидлари асосида янги мустаҳкам наноструктурали материалларни яратиш» номли илмий амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ислом Каримов номидаги Тошкент Давлат Техника Университетининг 27.09.2025 йилдаги №01/9-14-2630-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг лойиҳада қўлланилиши алюминий қотишмасини тантал оксида билан легирлаш жараёнида тантал оксидининг алюминий қотишмасидаги тақсимланиши ўрганиш, шунингдек икки қаватли юпқа плёнкали Ta/Al тизимини кислотали электролитларда электрокимёвий анодлаш натижасида ҳосил бўлган анод алюминий ва тантал оксидларининг композит матрица тизимига айлантириш технологиясининг илмий асосларини чуқурроқ тушуниш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация иши натижалари 8 та халқаро ва республика анжуманларида маъруза ва мухокама қилинган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация ишининг мавзуси бўйича олинган илмий натижалар 13 та илмий ишларда баён қилинган бўлиб, улардан 5 таси илмий мақола, шу жумладан 3 та чет эл ва 2 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, чоп этилган ишлар рўйхати, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 123 бетни ташкил қилиб, 40 та расмлар ва 2 жадвалларни ўз ичига олган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Диссертациянинг кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган бўлиб, олиб борилган илмий тадқиқотларнинг асосий мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот обьекти, предмети ва усууллари аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасининг фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги қўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, улардан амалда фойдаланилганлиги, илмий натижаларнинг чоп этилганлиги ва апробацияси ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича қисқача маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Иккиламчи эмиссия жараёнларининг тадқиқининг ҳозирги ҳолати**” деб номланган биринчи бобида атомар, кластер, кўп зарядли ва молекуляр бирламчи ионлар билан нишон сиртини бомбардимон вақтида иккиламчи эмиссия чиқишиларидаги физик жараёнлар таҳлилини ҳозирги ҳолати батафсил баён қилинган. Яримўтказгич GaAs ва Ta, Tm Tb элементларининг иккиламчи ион масс-спектрометриясидаги тадқиқотлари келтирилган. Шунингдек, иккиламчи ионлар эмиссияси, ион-фотон эмиссия, ион-электрон эмиссия жараёнлари ҳакида маълумотлар келтирилган. Кўп атомли кластер, молекуляр ва кўп зарядли ионлар билан нишонни

бомбардирмон вақтида нишон сиртидан иккиламчи эмиссия чиқишиларини кескин ортиши, бу эса сиртда содир бўлаётган жараёнларни чукурроқ тушунишга ёрдам бериши аниқланган. Ҳозирги вақтга келиб иккиламчи эмиссия жараёнларида жараёнларидаги кластер ва кўп зарядли ионлар билан нишон сиртини бомбардирмон вақтидаги чизиқли каскадлар етарлича ўрганилган. Боб охирида асосий хulosалар ва муаммонинг қўйилиши ёритилган. Адабиётлар таҳлилидан шуни хулоса қилиш мумкинки, ушбу соҳадаги ютуқларга қарамай ночизиқли каскадлар ва ноаддитв эфектлар бомбардимон қилувчи бирламчи ионларнинг паст энергияларида етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Ҳозирги вақтгача, кўп атомли кластерларнинг чангланиш механизми ҳали тўлиқ ўрнатилмаган ва уни тўла ишлаб чиқиш учун кейинги экспериментал тадқиқотлар талаб этилади. Шунинг учун яримўтказгичлар ва нодир ер элементларида кичик энергияли бирламчи кластер ва кўп зарядли ионлар билан бомбардимон вақтидаги иккиламчи эмиссия жараёнларидаги ночизиқли каскадлар ва ноаддитв эфектларини ўрганиш иккиламчи эмиссия вақтидаги кластер ионларни чангланиш механизмларини тушунишга ёрдам беради. Бундай тадқиқотларнинг долзарблиги, бир томондан, ионларни чангланиш жараёнлари хақида фундаментал билимларни олиш зарурати билан, иккинчи томондан, кластерлардан кўп қиррали амалий фойдаланиш истиқболлари билан белгиланади.

Диссертациянинг **“Тажриба ускуналари ва тадқиқот усуллари тавсифи”** деб номланган иккинчи бобида экспериментал қурилмалар, намуналар, реагентлар ва услубиятлар батафсил тавсифланган. Диссертацияда қўйилган илмий тадқиқот мақсад ва вазифаларини бажариш учун такомиллаштирилган масс-спектрометр қурилмасидан, мусбат, манфий кластер ва кўп зарядли V_1 ва Au ионлар манбаси, нейтрал компонентларни тадқиқ қилиш учун такомиллаштирилган сиртий ионлашув ионлар манбаси ва ион-фотон эмиссияни (ИФЭ) ўлчаш тизимларидан фойдаланилган. Иккиламчи эмиссия жараёнларида юзага келадиган ночизиқли каскадлар ва ноаддитив эфектларни ўрганиш учун такомиллаштирилган икки фокусировкали статик магнитли масс-спектрометр МИ-1201 қурилмасидан фойдаланилган. Масс-спектрометр бирламчи кластер ва кўп зарядли ион манбалари, бирламчи ионларнинг магнит сепаратори ва масс-спектрометр МИ 1201 асосидаги иккиламчи ионларнинг магнит анализаторини ўз ичига олади. Экспериментал ускуна бошланғич кластер, молекуляр ва кўп зарядли ионларнинг массаси ва энергия диапазонини кенгайтириш учун такомиллаштирилган, шунингдек, сиртий ионлашув усули орқали чангланишнинг нейтрал компонентларини ўлчаш имконияти яратилган. Масс-спектрометрнинг схемаси 1-расмда келтирилган. Ион манбалари кластер ва кўп зарядли ионларни (V_1 , Au манфий кластер ионларини) ҳосил қилиш, уларни сепарация қилиш ва ионларни 21 кэВ энергиягача тезлаштириш имкониятига эга. Иккиламчи ионларнинг масс-спектрометри иккиламчи кластер ионларни 4000 а.м.б. гача бўлган масса

диапазонида таҳлил қилиш ва 400 гача бўлган ажратиш қобилиятида ўлчаш, шунингдек, иккиламчи ионларнинг энергия тақсимотини ўрганиш имкониятини беради.




1-расм. Экспериментал қурилманинг схемаси: 1–3 – сирт ионлашиш Cs^+ ион манбалари, 4–5 – электронлар билан ионлаштириш қисми, 6–11 – бирламчи ионларнинг сепаратори, 12 – тадқиқот объект сифатидаги нишон, 13–16 – иккиламчи ионларнинг сепаратори, 17 – Кнудсен ячейкаси, 18 – термоэмиттер, 19 – Эйнзел линзаси.

Масс-спектрометр қурилмаси модернизация қилиниб, ИФЭ ни ўлчаш тизими билан тўлдирилган. Чангланган атомларнинг оптик нурланиши нишон юзаси яқинидаги ореолидан йиғилиб, EMI 6256 В юқори самарали фотокучайтиргич ёрдамида қайд этилади. Бу қурилма кварц ойнасига эга кўп тиркишли катод билан жиҳозланган бўлиб, нурланиши 250–700 нм диапазонида қайд этиш имконини беради. Бирламчи манфий ва мусбат кластер ионлари Bi_m^- ($m=1-5$) ион манбасида висмут нишонни мусбат цезий ионлари билан чанглатиш усули орқали ҳосил қилиниб, экспериментал қурилманинг бирламчи трактидаги сектор магнит майдонида атомлар сонига қараб сепарация қилинди. Иккинчи тажрибавий қурилмада, монохроматор, ксенон ион манбай ва 40 кэВ гача тезлаштирувчи тизим ёрдамида тулийнинг ИФЭ спектрлари тадқиқ қилинди. Тм мишени Xe^+ ионлари билан нормал йўналишда бомбардимон қилинди. Иккиламчи атомларнинг оптик нурланиши нишон юзаси яқинидаги ореолдан йиғилиб, монохроматор ва EMI 6256 В фотокучайтиргич ёрдамида таҳлил қилинди.

Шунингдек, бу бобда иккиламчи ионлар ҳосил қилиш учун ишлатилган кластер ва кўп зарядли ион манбалари, тадқиқ қилинган намуналар ва тадқиқ қилиш услублари ҳамда ҳосил бўлган нейтрал зарраларнинг постионлашиш учун йиғилган сиртий ионлашув тизимларининг баёни батафсил тавсифланган.

Диссертациянинг “ Bi кластер ва кўп зарядли ионлари билан бомбардимон вақтида GaAs нинг чангланишида иккиламчи эмиссия жараёнларидаги ноаадитив эфектлар тадқиқи” номли

учинчи бобида галлий арсенид яримўтказгичнинг кичик энергияли мусбат Bi_m^+ кластер ионлари билан бомбардимон қилинганда иккиласми эмиссия жараёнларидағи ноизиқли каскадлар ва ноаддитив эффектлар тадқиқот натижалари келтирилган. GaAs мұхим яримўтказгич бўлиб, саноатда жуда кўп қўлланилади. GaAs нишонини 1-10 кэВ энергия диапазонида Bi_m^+ ($m=1-5$) кластер ионлари билан бомбардимон вақтида ҳосил бўлаётган иккиласми ионлар, шунингдек чиқаётган нейтрал галлий атомлари сиртий ионлашув постионлашиш усули билан мусбат ионларга айлантирилди. 2-расмда GaAs нишонини Bi_m^+ кластер ионлари билан бомбардимон қилишда иккиласми Ga^+ ионларининг чиқишини ($m=1-5$) бомбардимон ионларининг энергиясига боғлиқлик графиги келтирилган. Ga^+ иккиласми ионларининг чиқишининг ноаддитив ўсиши бомбардимон қилувчи бирламчи ионларидағи атомлар сонининг ортиши билан кузатиляпти.



2-расм. Монокристалл GaAs нишонини Bi_m^+ кластер ионлари билан бомбардимон қилишда иккиласми Ga^+ ионларининг чиқишини ($m=1-5$) бомбардимон ионларининг энергиясига боғлиқлик графиги.


3-расм. Иккиласми галлий ионлари $K_{m,m'}$ чиқишининг ноаддитивлик коэффициентларининг бомбардимон қилувчи кластер ионларида бир атомга тўғри келадиган энергия бўйича боғлиқлик коэффициентларининг пасайиши тенденцияси кузатиляпти. Чангланган галий ионларининг ноаддитив чиқиши фактори қўйидаги формула ёрдамида аниқланди.

2-расмда иккиласми галлий ионлари $K_{m,m'}$ чиқишининг ноаддитивлик коэффициентларининг бомбардимон қилувчи кластер ионларида бир атомга тўғри келадиган энергия бўйича боғлиқлик графиги келтирилган. Боғликлардан қўриш мумкинки бомбардимон қилувчи кластер ионларида атомга тўғри келадиган энергиянинг ортиши билан ноаддитивлик коэффициентларининг пасайиши тенденцияси кузатиляпти. Чангланган галий ионларининг ноаддитив чиқиши фактори қўйидаги формула ёрдамида аниқланди.


$$K_{m,m'} = m'Y_m/mY_{m'} \quad (1)$$

Бу ерда Y_m and $Y_{m'}$ - ҳар бир атомга бир хил энергияга эга м ва m' атомларини ўз ичига олган кластер ионлари томонидан бомбардимон қилинган галлий ионларининг чиқиши.

Иккиламчи эмиссия жараёнларида ҳосил бўлаётган нейтрал атомларни тадқиқоти бу жараёнларда кластерлар ҳосил бўлишини тўлиқ тушунишга ёрдам беради. Биздан олдин қилинган тадқиқотларда, нейтрал атомларни чиқишини ўлчаш учун йигилган сирт ионлашиш (СИ) манбасига асосланган тизимда, эмиттер сифатида оксидланган вольфрам металли ишлатилган. Бу эса ўз навбатида юқори температураларда нейтрал галлий атомларни чиқишини ўлчаш имконини бермайди, чунки эмиттернинг юқори температураларида оксид қатлам учишни бошлайди ва бу эмиттернинг чиқиш ишини пасайишига олиб келади. Шунинг учун нейтрал галлий атомларининг чиқиши ишлаб чиқилган схема бўйича СИ ёрдамида иридий эмиттер юзасида ўлчанди, бунда галий атомлари Ga^+ ионларига айлантирилиб, улар масс спектрометрининг иккиламчи йўлида аниқланди. Олинган натижалар 4-расмда ифодаланган, яъни чангланган нейтрал галлий атомлари чиқишининг Bi_m^+ кластер ионларининг бомбардимон қилиш энергиясига боғлиқлиги кўрсатилган ($m=1-5$). Графикдан кўришимиз мумкинки, ионларнинг рентабеллиги билан таққослаганда, галий атомларининг рентабеллиги ортиб бораётган энергия ва бомбардимон кластер ионларидағи атомлар сони билан янада аниқ ўсишни кўрсатяпти.



4-расм. Нейтрал галлий атомлари чиқишининг Bi_m^+ ($m=1-5$) кластер ионларининг бомбардимон қилиш энергиясига боғлиқликлари



5-расм. Иккиламчи ион манбаси зарядининг 1 дан 6 гача ортиши билан иккиламчи ион чиқишининг ўсиш коэффициентларини заряд бирлиги учун бирламчи ионларнинг минимал кинетик энергияси 2 кэВ бўлган ионланиш потенциалларига боғлиқлик графиги.

Бундан ташқари, бу бобда GaAs монокристалини 1–10 кэВ энергия диапазонида кўпзарядли Bi^{q+} ($q=1-6$) онлари билан бомбардимон қилишда иккиламчи матрица ионлари (Ga^+ , Ga_2^+ , As^+), шунингдек адсорбцияланган ва аралашма ионларининг (C^+ , H_2O^+ , Na^+ , Al^+ , K^+ , Ni^+ , Cu^+ , Cs^+ , Bi_n^+) чиқишиларини бомбардимон қилувчи кўп зарядли ионлар (КЗИ) заряди ва энергиясига боғлиқликлари ўрганилди.

Шунингдек, сиртдан чанглатилган нейтрал галлий атомлари чиқишининг ноаддитивлик коэффициентларининг Bi_m^+ ($m=1-5$) бомбардимон ионлари энергиясига боғлиқликлари ҳам тадқиқ қилинди. Олинган боғлиқлардан


аниқландики, бомбардимон қилувчи кластер ионидаги атомга түгри келадиган энергия ортиши билан ноаддитивлик коэффициентлари камайиши кузатилди. Олинган иккиламчи эмиссион масс спектрларида ишқорий ионлар натрий, калий ва цезийнинг катта микдори кузатилди. Шунинг учун Na^+ , K^+ , Cs^+ иккиламчи ионларини чиқишининг бомбардимион қилувчи Bi^{q+} ионларининг заряди ва энергиясига боғлиқлиги ўрганилди. Бомбардимон қилувчи КЗИ зарядини 1 дан 6 га ўзгартирганда ишқорий ионлар чиқишининг 8-12 мартаға сезиларли ўсиши кузатилади. Энг катта ўсиш КЗИ заряд бирлиги учун 2 кэВ энергияда, энг пасти эса 10 кэВ да кузатилди.

Иккиламчи эмиссион масс спектрларида аралашма бирикмаларнинг ионлари C^+ , H_2O^+ , Al^+ , Ni^+ , Cu^+ ва бирламчи ионлар Bi_n^+ дастан имплантация қилинган висмут ионлари Bi_n^+ ҳам атом шаклида, ҳам кластерлар шаклида кузатилди. Иккиламчи аралашмалар C^+ , H_2O^+ , Al^+ , Cu^+ ионлари чиқишининг КЗИ энергияси ва зарядига боғлиқлиги тадқиқ қилинди. Аниқланишича, КЗИ зарядининг ортиши билан иккиламчи ионлар чиқишининг энг кучли ўсиши (10 кэВ ва 2 кэВ энергияларда заряднинг 1 дан 6 гача ўзгариши билан 11-25 мартағача, мос ҳолда) келиб чиқиши адсорбцион хусусиятга эга H_2O^+ молекуляр иони учун кузатилди.


Барча иккиламчи ионлар учун умумий қонуният шундаки, бомбардирловчи ионларнинг кинетик энергияси камайганда, КЗИ заряди ортиши билан чиқиш ўсишининг ортиши кузатилади. Шунингдек, ушбу ўсишнинг чангланадиган зарраларнинг ионлашув потенциаллари билан корреляцияси ҳам кузатилади. Бу ҳолат 5-расмда яққол күрсатилған бўлиб, унда КЗИ зарядининг 1 дан 6 гача ортиши натижасида иккинчи даражали ион чиқиш коэффициентларининг ионлашув потенциалларига боғлиқлиги келтирилган. Бу ерда бирламчи ионларнинг кинетик энергияси КЗИ зарядига нисбатан 2 кэВ минимал бўлган ҳолда күрсатилган.

Диссертациянинг “Та, Тв ва Тм нишонларини Bi кластер ва кўп зарядли ионлари билан бомбардимон вақтидаги чангланишида, иккиламчи эмиссия жараёнларидаги ночизиқли ва ноаддитив эфектлар тадқиқи” номли тўртинчи бобида Та ва Тм элементларини Bi кластер ва кўп зарядли ионлари, шунингдек Тв элементини Au манфий кластер ионлари билан бомбардимон вақтидаги ион-фотон, ион-электрон эмиссиясидаги ночизиқли ва ноаддитив эфектлар тадқиқотлари келтирилган. Биринчи тантал нишонини 2-12 кэВ энергия диапазонидаги Bi_m^+ мусбат кластер ионлари ($m=1-4$) билан бомбардимон қилиш жараённан интегралланган ион фотон эмиссия (ИФЭ) чиқиш ўлчовлари амалга оширилди. Олинган натижалардан бомбардимон қилувчи висмут кластер ионларидаги атомлар сони ортиши билан бирга, уларнинг энергияси ҳам ортиши натижасида ИФЭ чиқишининг интеграл қиймати ҳам ортиб боришилари аниқланди. Кластердаги атомлар сонидан (молекуляр эфект) ИФЭ чиқишининг ортиши ноаддитивлигини аниқлаш учун ИФЭ интеграл чиқиш қийматлари ва бомбардимон қилувчи ионларнинг энергияси бомбардимон қилувчи ионлардаги атомлар сонига

нормаллаштирилди. 6-расмдан кўришимиз мумкинки, бомбардимон қилувчи кластер ионларидағи атомлар сони m ва уларнинг кинетик энергияси ортишига мувофиқ Y_{IE}/m нинг қисман чиқиши сезиларли даражада ортади. ИФЭ интеграл чиқишининг атомлар сони ва бомбардимон қилувчи ионларнинг энергияси ортиши билан ноаддитив ўсиши, чангланиш чиқишининг ноаддитивлиги билан боғлиқ. Бундан ташқари, кластерли бомбардимон вақтида иссиқлик пиклари режими чангланган атомларнинг қўзғалиш жараёнига таъсир кўрсатиши мумкин. Узоқ йиллар давомида кўп зарядли ионлар таъсирида иккиламчи ион эмиссиясини ўрганаётган аксарият тадқиқотчилар "Кулон портлаши" деб номланган механизмни мухокама қилганлар. Ушбу механизмнинг моҳияти шундан иборатки, кўп зарядли ионларнинг нейтралланиш ҳудудида ҳосил бўлган мусбат зарядланган ионлар Кулон итариш кучлари таъсирида кенгаяди.



6-расм. Bi_m^+ ионлари билан бомбардимон қилинган тантал нишон учун ИФЭ чиқишининг энергия ва бомбардимон қилувчи кластер ионларидағи атомлар сонига боғлиқлиги, бомбардимон қилувчи ионлардаги атомлар сонига нормалланган ҳолда



7-расм. Кўп зарядли Bi ионлари билан Ta нишонини бомбардимон қилиш жараёнида кўп зарядли ионларнинг кинетик энергиясини ҳисобга олган ҳолда, ионларнинг энергияси ва зарядига боғлиқ ҳолда ИФЭ Y_{IE} чиқишининг боғлиқлик графиги

Бироқ, кўплаб экспериментал ишлар шундан далолат берадики, заряди 7–10 дан кам бўлган секин кўп зарядли ионлар учун металларнинг чангланишдаги чиқиши ошмайди. Шу билан бирга, бир қатор тадқиқотларда иккиламчи ион эмиссиясининг ортиши қайд этилган бўлиб, бу эффект айниқса кўп зарядли ионларнинг энергияси камайганда янада яққолроқ намоён бўлади. Масалан, байзи бир ишларда тўғридан-тўғри зарраларни чиқариб юбориш режимида чангланиш жараёнида келаётган ион зарядининг таъсири ҳақида тахмин билдирилган. Агар бундай заряд алмашиш механизми тасдиқланса, кичик бомбардимон энергияларида, яъни тўғридан-тўғри зарралар чиқариб

юбориш режими устун бўлган ҳолатда, чангланган зарраларнинг ионланиш эҳтимоли сезиларли даражада ортиши мумкин.

ИФЭ чиқиши Та нишонларини кўп зарядли Bi^{q+} ионлари ($q = 1-6$) билан бомбардимон қилиш жараёнида ўлчанди. $Y_{\text{ИФЭ}}$ чиқишининг кўп зарядли ионлар зарядига боғлиқлигини аниқлаш учун натижалар қайта ҳисоб-китоб қилинди. Бунда кўп зарядли ионларнинг кинетик энергияси уларнинг заряди ва тезлаштирувчи кучланиш кўпайтмасига пропорционал эканлиги ҳисобга олинди (7-расм). Боғликлардан кўриниб турибдики, $q < 4$ бўлганда ИФЭ чиқиши кўп зарядли ионларнинг зарядига сезиларли даражада боғлиқ эмас, аммо заряд 3 дан 6 гача ошганда ИФЭ чиқиши ортиб боради.

Бомбардимон қилувчи ионларнинг паст энергиялар диапазонида, ион-ион эмиссиясининг кинетик таркибий қисми нолга интилаётганда, кўп зарядли бомбардимон қилувчи ионларнинг потенциал ионлашиш энергиясининг уларнинг заряди ортиши билан ортиши иккилламчи ионлар чиқишининг ўсишида намоён бўлади. Бу натижалар тушаётган ионлар ва тўғридан-тўғри тўқнашув натижасида чиқарилган атомлар ўртасида заряд алмашинуви имконияти мавжудлигини кўрсатади. Бу заряд алмашинуви секин ҳаракатланувчи кўп зарядли ионлар билан бомбардимон қилинганда чангланган зарраларнинг ионлашиш эҳтимолининг ортишининг асосий сабаби бўлиши мумкин.


Иккилламчи эмиссия жараёнларида чангланган нейтрал зарраларнинг катта қисми юзада кўзғалган ҳолатда қолади ва нишон юзаси яқинидаги гало худудида фотонлар чиқаради. Оптик спектрларни ва ИФЭ чиқиш ҳосилдорлигини ўлчаш тўқнашув каскадлари, термал пиклар ва чангланиш ноаддитивлиги хусусиятлари ҳақида қўшимча муҳим маълумотларни тақдим этади. Кластерли бомбардимон жараёнида ИФЭ ни ўрганиш учун туллийни материал сифатида танлаш, нодир ер элементлари парчаланганда юқори фотон чиқиши билан боғлиқ бўлиб, улар асосан қайд қилиш учун қулай бўлган кўринувчан спектр диапазонида жойлашган. Тадқиқотлар натижасида тулийнинг ИФЭ спектрида 400–600 нм диапазонида жойлашган ва $4f^{13}6s6p$ ҳамда $4f^{12}5d6s^2$ конфигурацияларнинг асосий ҳолатига ўтишларига мос келувчи 16 та резонанс чизиқлар (TmI) аниқланиб, идентификация қилинди. Турли даражаларни уларнинг нисбий тўлишига пропорционал равищда уйғотиши самарадорлигини таққослаш учун олинган ИФЭ спектрлари [10] методикаси бўйича қайта ишланди. Даражаларни уйғотиши самарадорлиги қуидаги шаклда ифодаланади:

$$W = I \lambda^3 / g_k f_{ik}, \quad (2)$$

бу ерда, g_k ва f_{ik} – уйғотилган даражанинг статистик оғирлиги ва ўтиш осилятор кучи, λ – чизиқ тўлқин узунлиги, I – тажрибада ўлчанганди чизиқ интенсивлиги (монохроматор ва фотоэлектрон кучайтиргич сезгириллигига тузатма киритилган ҳолда).

Турли механизмларнинг ион электрон эмиссия (ИЭЭ) коэффициентига қўшган ҳиссасини аниқлаш учун иккилламчи электронларнинг энергия

спектрлари ўлчанди. 8-расмда бомбардимон қилувчи висмут ионларидаги атомлар сонига боғлиқ ҳолда туллий нишоннинг бомбардимон қилиниши натижасида ҳосил бўлган иккилламчи электронларнинг энергия тақсимоти графиги кўрсатилган. Графиклардан кўриниб турибдики, бомбардимон қилувчи ионлардаги атомлар сони ортиши билан спектрлардаги квази-термал электронлар улуши ортади, бу эса термал чўққилар ҳосил бўлиши натижасида электронларнинг термал эмиссияси ҳиссасини кўрсатади. Шундай қилиб, ушбу ўлчовлар зич ночизиқли каскадлар режими пайдо бўлишини ҳамда ион ва электронларнинг термал эмиссияси учун қўшимча каналлар яратилишини кўрсатади.



8-расм. 2 кэВ энергияга эга Bi_m^- кластер ионлари билан Tm нишонни бомбардимон қилиш жараёнида иккилламчи электронларнинг энергия тақсимоти.

9-расм. Tb нишоннинг ИЭЭ нинг интегралланган коэффициентлари бомбардимон қилувчи Au_m^- ионларидаги ҳар бир атомга тўғри келадиган энергияга боғлиқ ҳолда, бомбардимон қилувчи кластер ионидаги битта атомга нисбатан нормаллаштирилган боғликлари.

Бундан ташқари, бу бобда торрий нишонини Au_m^- ($m=1-9$) манфий кластер ионлари билан бомбардимон вақтидаги иккиламчи эмиссия жараёнлари тадқиқотлари келтирилган. 9-расмда бомбардимон кластер ионидаги ҳар бир атомга нормаллаштирилган ҳолда Tb нишоннинг ИЭЭ нинг интеграл коэффициентлари, бомбардимон ионларидаги Au_m^- атомларининг ҳар бир атомига тўғри келадиган энергияга боғлиқ равишда келтирилган. Графикдан кўришимиз мумкинки, бомбардимон ионларидаги атомлар сони ортиши билан интеграл коэффициентларнинг ноаддитив ўсиши кузатиляпти. Tb нишоннинг Au_m^- кластер ионлари билан бомбардимон қилиниши давомида ИЭЭ ўлчовлари бомбардимон қилувчи ионлардаги атомлар сони ортиши билан интеграл коэффициентларнинг ноаддитив ўсишини кўрсатди. ИЭЭ коэффициентига турли механизмларнинг ҳиссасини аниқлаш учун иккиламчи электронларнинг

энергия спектрлари ўлчанди. Бомбардимон ионларидағи атомлар сони ортган сари спектрларда квази-иссиқлик электронларининг улуши ортгани күзатылды, бу эса иссиқлик чўққиларининг шаклланиши натижасида иссиқлик электрон эмиссиясининг ҳиссаси борлигини кўрсатади.

ХУЛОСАЛАР

Ушбу диссертация иши доирасида намуналарни кластер ва кўп зарядли висмут ва олтин ионлари билан бомбардимон вақтидағи иккиламчи ионлар эмиссиясида нозичиқли ва ноаддитив жараёнларнинг тажриба натижаларидан қўйидаги асосий хулосаларни қилиш мумкин.

1. Биринчи марта GaAs нишонини 1-10 кэВ энергия диапазонида Bi^m+ ($m=1-5$) кластер ионлари билан бомбардимон қилиш натижасида ҳосил бўлаётган нейтрал галлий атомлари, сирт ионлашуви асосланган пост ионлашиш усули ёрдамида иридий эмиттер юзасида мусбат ионларга айлантирилди. Иккиламчи эмиссия натижасида ҳосил бўлаётган галлий ионлари ва нейтрал галлий атомларини чиқишини ўлчаниш натижасида, нейтрал галлий атомларнинг чиқиши, дастлабки ионлашган галлий атомларига нисбатдан интенсивлиги икки марта юқори эканлиги аниқланди.

2. Бирламчи кластер ионларидағи атомлар сонининг ортиши билан ионланиш эҳтимолигининг 0.6 мартаға қадар камайиши аниқланди. Иккиламчи ионлар ва нейтрал галлий атомлари учун, бирламчи бомбардимон кластер ионидаги ҳар бир атомнинг энергияси ортиши билан, ноаддитивлик коэффициентларининг камайиш тенденцияси аниқланди. Бу GaAs нишонини 1-10 кэВ энергия диапазонида Bi^m+ ($m=1-5$) кластер ионлари билан бомбардимон қилиш йўли билан иккиламчи ионларнинг чиқиши чангланган галлий ионларининг ионланиш эҳтимолини ҳисоблаш орқали амалга оширилди.

3. GaAs намунаси юзасини 2-10 кэВ энергия диапазонидаги кўп зарядли Bi^q+ ионлари билан бомбардимон қилинганда, матрица ионлари (Ga^+ , Ga^{2+} , As^+), шунингдек, адсорбцияланган ионлар ва аралашмалар ионлари (C^+ , H_2O^+ , Na^+ , Al^+ , K^+ , Ni^+ , Cu^+ , Cs^+ , Bi^n+) чиқишининг бир неча баробарга ортиши күзатылди. Бу ўсиш кўп зарядли ионларнинг заряди ортиши билан боғлиқлиги аниқланди.

4. Иккиламчи ионлар чиқишининг кўп зарядли ионлар заряди ортиши билан айниқса, нисбатан юқори ионлашиш потенциалига эга ионлар учун яққол намоён бўлиши аниқланди. Масс-спектрометр фазосида ҳаракатланаётган ионлар ва тўғридан-тўғри контакт натижасида чиқсан атомлар ўртасидаги юз берадиган заряд алмашинуви бирламчи ионлар ва секин ҳаракатланувчи кўп зарядли ионлар билан бомбардимон қилинганда, чиқсан зарраларнинг ионлашиш коэффициенти ортишининг асосий сабаб эканлиги билан тасдиқланди.

5. Ион-фотон эмиссия Та намунаси юзасини кластер ва кўп зарядланган Bi^mq^+ ($m=1-4$, ($q=1-6$) ионлари билан бомбардимон қилиниш шароитида

аниқланди. Бирламчи висмут кластер ионларидаги атомларнинг сонини ортиши билан ИФЭ чиқишининг ноаддитив ортиши кузатилди. Бирламчи ионлардаги атомларнинг сони ва энергияси ортиши билан ИФЭ нинг интеграл чиқишининг ноаддитив ўсиши, зич тўқнашув каскадлари соҳасидан атомларнинг қўшимча чиқиши, қўзғалиши билан боғлиқ бўлиб, бу эса юзада термал чўққиларининг ҳосил бўлишига олиб келади. ИФЭ чиқиши кўп зарядланган ионларнинг зарядига $q < 4$ бўлганда заиф боғлиқ экани ва заряд 3 дан 6 гача ўзгарганда ортиши кузатилди.

6. Тм намунаси юзасини V_i кластер ионлари билан бомбардимон қилиш жараёнида ИФЭ тадқиқи бомбардимон қилувчи ионлардаги атомлар сони ортиши билан интеграл коэффициентларнинг ортиши аниқланди. Шунингдек, Тм ва Tb нишонларининг V_i ва Au кластер ионлари билан бомбардимон қилиниши жараёнида ИФЭ катталиклари бирламчи ионлардаги атомлар сони ортиши билан эмиссия чиқишининг ноаддитивлигини 2 марта гача ортиши аниқланди.

7. Тулийнинг ИФЭ спектрида 400–600 нм диапазонида жойлашган ва $4f^{13}6s$ бр ҳамда $4f^{12}5d6s^2$ конфигурацияларнинг асосий ҳолатига ўтишларига мос келувчи 16 та резонанс чизиқлар аниқланиб, идентификация қилинди. Тм нишонининг кластер ионлари билан бомбардимон қилинишида ИФЭ тадқиқотлари интеграл ИФЭ коэффициентларининг бирламчи ионлардаги атомлар сони ортиши билан ноаддитив ўсишини кўрсатди, бу жараён термал чўққилар худудидан тарқалган атомларнинг қўшимча уйғотилиши билан боғлиқлиги аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.02/30.12.2019.FM/Т.65.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ИОННО-ПЛАЗМЕННЫХ
И ЛАЗЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**
ИНСТИТУТ ИОННО-ПЛАЗМЕННЫХ И ЛАЗЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

КАХРАМОНОВА ГУЛИСТОН ПАРДАЕВНА

**ВТОРИЧНО-ЭМИССИОННЫЕ ПРОЦЕССЫ ПРИ БОМБАРДИРОВКЕ
ЭЛЕМЕНТОВ GaAs, Ta, Tb, ТМ КЛАСТЕРНЫМИ И
МНОГОЗАРЯДНЫМИ ИОНАМИ**

01.04.04- Физическая электроника

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инновация Республики Узбекистан за номером № B2025.1.PhD/FM1242.

Диссертация выполнена в Институте ионно-плазменных и лазерных технологий имени У.А. Арифова.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице по адресу www.iplt.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:

Усманов Дилшадбек Турсунбаевич

доктор физико-математических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Кутлиев Учкун Отобоевич

доктор физико-математических наук, профессор.

Сайдумаров Ильхомжон Миралимович

кандидат физико-математических наук, доцент.

Ведущая организация:

Ташкентский Государственный Технический

Университет

Защита диссертации состоится «16» декабря 2025 г. в 16⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.FM/T.65.01 присуждению учёных степеней при Институте ионно-плазменных и лазерных технологий АН РУз (по адресу: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, 33. Тел./Факс: (+99871) 262-32-54, e-mail:info@iplt.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института ионно-плазменных и лазерных технологий (зарегистрирована за № 19). Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, 33. Тел.: (+99871) 262-31-69.

Автореферат диссертации разослан «02» декабря 2025 года.

(Реестр протокола рассылки № 19 от «02» декабря 2025 года).



Х.Б. Ашурев
председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор технических наук, профессор.

И.Д. Ядгаров
учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор физико-математических наук, профессор.

У.К. Махманов
председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор физико-математических наук, профессор.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы. В мире в настоящее время развивается широкомасштабное внедрение наноматериалов и нанотехнологий во все сферы. Одной из больших перспектив внедрения нанотехнологий для современного технического прогресса является разработка новых и усовершенствованных наноструктурных методов анализа поверхностей твёрдых тел, а также их применение в производстве, что имеет большое научное и практическое значение. В изучении области нано- и микроэлектроники важное место занимают масс-спектрометрические методы ионизации, в частности метод вторичной ионной масс-спектрометрии (ВИМС). Применение кластерных и многозарядных ионов при эмиссии вторичных ионов вносит значительный вклад в дальнейшее развитие данной области.

В мире в настоящее время бомбардировка твёрдых тел кластерными и многозарядными ионами предоставляет уникальную возможность наблюдать переход от области относительно хорошо изученных линейных каскадов столкновений к формированию нелинейных плотных каскадов, связанных с новыми эмиссионными явлениями. Особенностью кластерной бомбардировки является то, что в результате одновременного воздействия нескольких атомов, составляющих кластерный ион, на малую (порядка нескольких ангстрем) поверхность, происходит интерференция каскадов, создаваемых каждым атомом, и формируются нелинейные плотные каскадные столкновения. В этом случае при замедлении иона возникают ряд новых эффектов в процессах вторичной эмиссии, связанных с высокой плотностью выделения энергии. Например, при переходе к бомбардировке кластерными ионами эффективность выбивания крупных молекул возрастает в сотни и тысячи раз, что приводит к значительным количественным и качественным достижениям при анализе органических и биоорганических материалов с использованием метода ВИМС. Кроме того, изучение фундаментальных процессов, происходящих при взаимодействии кластерных и многозарядных ионов с поверхностью твёрдого тела, точное понимание физической сущности данного явления, а также целенаправленное и полное использование его в современных технологиях являются одной из актуальных задач физической электроники.

В нашей республике актуальность исследования нелинейных и неаддитивных (неподсуммируемых) процессов, происходящих при взаимодействии многоатомных частиц с поверхностью твёрдого тела, определяется возможностью получения новых сведений о физических механизмах ионного распыления, а также вероятностью практического применения данных явлений в современных технологиях. В условиях такой бомбардировки атомы, составляющие один ускоренный кластер или многозарядный ион, попадают на поверхность в пределах одной элементарной ячейки в течение $\sim 10^{-15}$ секунды. Это приводит к выделению аномально высокой локальной плотности энергии на поверхности, что невозможно при бомбардировке одноатомными ионами. Изучение процессов вторичной

эмиссии в таких условиях позволяет получить новую информацию о механизмах этих процессов. Неаддитивные и нелинейные процессы во вторичной эмиссии до настоящего времени остаются одной из недостаточно изученных областей.

Данная диссертационная работа в достаточной степени способствует выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан № ПФ-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы», Указом № ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Указом № ПФ-6097 от 29 октября 2020 года «Об утверждении Концепции развития науки до 2030 года», а также Постановлением № ПҚ-4422 от 22 августа 2019 года «О мероприятиях по повышению энергоэффективности в экономике и социальной сфере, внедрению энергосберегающих технологий и развитию возобновляемых источников энергии», и другими нормативными документами, принятыми в нашей республике в последние годы в данной области.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Исследование выполнялось в соответствии с приоритетными направлениями развития науки, техники и технологий Республики Узбекистан и способствует реализации задач по направлению III «Энергетика, энергосбережение и ресурсосбережение, транспорт, машино- и приборостроение; современная электроника, микроэлектроника, фотоника, развитие электронных приборов», а также в рамках направления ПФИ-2 «Физика, астрономия, энергетика и машиностроение».

